

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА
ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ
ФУНКЦИЯЛАРИ.**

Маликова А.Р.

, "Биология" кафедраси доценти, п.ф.н.,

Худаярова Ш.Р.

2-курс магистри

Аннотация: Мақолада "Экологик маданият" тушунчасининг таҳлили, Она табиатни ўрганиш, унинг ўзгаришига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари, педагогика олий таълим муассасалари талабаларида экологик маданиятни шакллантиришнинг мезонлари кўрсатиб берилган.

Аннотация (русча)

Аннотация (инглизча)

Инсон ва табиат, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қадимдан дунё олимларининг диққат марказида бўлиб келган. Маълумки, инсоният олами онгли мавжудот бўлганлиги сабабли ўсимлик ва ҳайвонот оламига нисбатан устуворликка эга. Ақл-заковатдан ўринли фойдаланиш орқали жамият гуллаб-яшнайди, бунинг акси бўлса, бутун олам ҳалокат ёқасига келиб қолиши аниқ. Инсон руҳиятига хос бўлган янгиликка интилувчанлик оқибатида фан-техника бугунги кунда ривожланиб бормоқда, инсоннинг яшаш тарзи учун қулай шароитлар яратилди. Бу эса ҳаётимизнинг ташқи кўриниши, холос. Ҳозирги гўзал турмушимизнинг мазмун-моҳиятига назар ташласак, ҳар қандай ҳолатнинг икки томонламалик хусусиятига эканлигига иқрор бўламиз.

Илм-фан, техника тараққиёти, янги-янги кашфиётлар эвазига катта ихтиrolар яратилди. Бу ривожланиш эвазига табиат ва инсон ўртасидаги номутаносибликка йўл қўйганимизни баъзан англаб етдик, баъзан эса унинг моҳиятини тушунмай қўл силтаб қўя қолдик. Натижада Она замин иқлимининг тубдан ўзгариши, дарё ва кўлларнинг қуриб, чўл ва саҳрога айланиши, атмосферанинг турли чиқинди газлар билан ифлосланиши, энг ачинарлиси турли хил касалликларнинг кўпайиб кетишига замин яратдик. Президентимиз И.Каримов бу жараёнга ўз фикрини билдириб "Дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашга бевосита хавф-хатар мавжуд. Яъни ялпи ядро хавфи анча камайган

бўлса ҳам, экологик танглик ҳавфи, биогенетик бузулишлар ҳавфи таҳликали ҳолатда сақланиб қолмоқда" деган эди [1].

Дарҳақиқат мутахассисларнинг фикрича, ҳар йили республикамиз атмосферасига 4 миллион тоннага яқин заарали моддалар чиқарилиб, унинг ярми углерод оксидига тўғри келса, 15 фоизини углерод чиқиндилари, 14 фоизи олтингугурт қўш оксиdi, 9 фоизини азот оксиdi, 8 фоизини қаттиқ моддалар ва 4 фоизга яқинини ўткир ҳидли заҳарли моддалар ташкил этиши аниқланган. Бу рақамлар нафақат экологик танглик, балки башарият учун маънавий фожия ҳамdir. Чунки ақлий тафаккурга эга бўлган инсонларда табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда экологик маданиятнинг етишмаслиги ҳеч ким учун сир бўлмай қолди.

"Экологик маданият" тушунчаси ижтимоий экология фанининг яратилиши жараёнида ҳаёт ва фаолиятимизда истеъмолга кириб кела бошлади. Гарчанд ҳатти-ҳаракат ижтимоий-тарихий, иқтисодий тараққиётни таъминлашга йўналтирилган омиллар бўлиши билан бирга одамнинг табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабати унинг табиий ўзгаришлар жараёнининг моҳиятини намоён этади. Илмий билимлар ривожи, тарихий –иқтисодий ўзгаришлар табиат сирларидан инсонни боҳабар эта бошлагани сари табиат кучларидан хавфсираш, қўрқиш, ўрнини табиатни ўзига бўйсиндириш, унинг устидан ҳукмронлик ўрнатишга бўлган истак ҳисси инсонни қамраб ола бошлади. Аммо табиат инсон учун қадрли гўша эканлиги тўғрисидаги ғоялар жамиятнинг ҳур фикрли, фидоий кишилари томонидан илгари суриб келинди. Шу боис гоҳо диний таълимотлар, гоҳо омма фикри асосида табиатни асрар, унинг бойликларини кўпайтириш, уларни соғлигича авлодларга етказиб бериш вазифалари кишилар томонидан кундалик зарурӣ ҳатти-ҳаракат сифатида талқин этилган.

Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш-бу унинг ўз мақсадини танлаши ва унга эришишда юқори даражада куч-ғайрат, шижаат, жушқинлик билан фаолият кўрсатиш ва меҳнат қилишидир. Бу ҳол шахснинг экологик билим, касб-малакага, маҳоратга эга бўлиб, табиат ва жамият ҳаётида ўзига мунособ жойни эркин эгаллаш, юқори натижа ва самара билан ишлашидир. Экологик маданиятни шакллантириш – бу рақобатбардош иқтисодий жиҳатдан мустақил шахсни ўзининг меҳнати, маҳорати, ишбилармонлиги туфайли кўпгина эҳтиёжларини қондира оладиган бўлажак мутахассисни вояга етказиш.

Экологик маданиятни шакллантириш асосида бўлажак биология фани профессор-ўқитувчиларида жамиятга, табиат ва ўзига ўзи зиён

етказмайдиган шахсни шакллантириш, ҳар бир талабани халқ тинчлиги, уни экологик хавф-хатарлардан сақлаш учун курашга жалб этиш; ўз фаолиятини, инсоният, жамият, халқ манфаатлариға йўналтириш, ҳар бир талабани маданий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш ва уларнинг бўш вақти етарли бўлишига эришиш, уларнинг кучли,adolatli, ҳуқуқий, демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродасини мустаҳкамлаш, жамият ва инсон муҳофазасини сақлашга бўлган хоҳиш-иродаси ҳамда интилишини ҳар бир талаба турмуш тарзининг ажралмас қисмига айлантириш хусусиятларини амалга ошириш олий таълим муассасаларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда педагогика олий таълим муассасаларининг фаолияти муҳим ўрин тутади. Чунки, олий таълим муассасалари олдида турган асосий вазифалардан бири талabalарда мутахассислик ҳақидаги билимларни, ақлий салоҳиятини такомиллаштириш билан бирга ижтимоий ва экологик маданиятни шакллантиришdir.

Экологик маданият инсон қалбининг туб-тубидан қалқиб чиқадиган энг тоза ва ажиб туйғу, инсон ҳаётига маъно берадиган куч, уни шарафлайдиган сифатлар мажмуидир [2].

Экологик маданиятни шакллантириш бевосита ижтимоий омилларга боғлиқdir. Бу масалага эътибор ортиб бораётганлигининг боиси шундаки, шахсдаги экологик маданиятнинг шаклланишида ундаги эзгу ғоя ва имон-эътиқод муҳим аҳамиятга эгадир. Агар биз табиатга муносабат ва меҳирни талаба-ёшларда шакллантира олсак, улар маънавияти бой, мустақил фикрли ва олижаноб шахслар бўлиб камолга етади. Шу маънода экологик маданият шахсдаги шундай тасаввурлар, билимлар мажмуи сифатида шаклланади.

Шахснинг экологик маданиятини белгиловчи тарбия ва маданият доимо барқарор ва уйғун бўлгандагина табиатини ўрганиш, унинг ўзгаришига таъсир кўрсатиш омилларини аниқлаши мумкин.

Биринчидан, экологик маданият шахснинг жамиятдаги хулқини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Уни шакллантиришга, энг аввало, жамият ва жамоатчилик, оила ва барча турдаги таълим муассасалари жалб этилади.

Иккинчидан, экологик маданиятни шакллантиришда таъсир кўрсатувчи манба-шахс ёки гуруҳ ҳисобланади. Бунда, таъсир мазмуни ёки маълумот беришга, таъсир воситаси ёки маълумот етказувчи

тармоққа, таъсирни қабул қилувчи шахс ёки аудиторияга йўналтирилади.

Улар таълим беришда таъсир кўрсатиш учун тажриба, билимдонлик, ишонтира олиш қобилияти, унинг нутқи, ўзига ишонч кабиларга асосланадилар.

Психологик жиҳатдан талабаларнинг тўрт тури аниқланади.

1. Пассив ўзлаштирувчи талабалар. Бу ўзини холис баҳолай олмайдиган содда инсонлар бўлиб, улар ўз навбатида содда, тушунарли, қизиқиш ўйғотувчи маълумотларга эгадирлар. Экологик маданиятни шакллантиришга оид мавзудаги ахборотлар ҳам ҳаётий, лўнда фикрларда баён этилса, уларда ижобий муносабат шаклланади.

2. Фаол ижтимоий жиҳатдан баркамол бўлган талабалар. Булар экологик маълумотга эга, янгиликка ўч талабалар бўлиб, уларга таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ахборот муаммоли, долзарб, баҳс талаб бўлгани маъқул.

3. Ўрта даражада экологик билимга эга бўлган талабалар. Булар маълум сабабларга кўра, тарбияси оғир кимсалар тоифасига кириб қолган, ҳаётда аниқ мақсади ва маслаги йўқ, ўз устида ишламайдиган талабалар. Диний ақидапарастларнинг домига тушиб қолган ёшлардир. Улар янгиликлар, тафсилотларга бой ахборотларга ўч бўлади. Шунинг учун бундай тоифадаги кимсаларга обрўли шахслар орқали таъсир кўрсатиш маъқул.

4. Қўйи даражада экологик билимга эга бўлган талабалар. Уларни ҳаётий видеофильмлар, қизиқарли кўрсатув ва лавҳалар ўзига жалб қиласди. Шундан келиб чиқиб, бундай инсонлар учун экологик маданият ҳақида ахборот тайёрланганда, уларнинг соддалиги, самимиятга ўчлиги ва инсоний эътиборга муҳтожлигини инобатга олиб иш кўрилса, самарали бўлади. Улар билан кўпроқ мулоқот ва учрашувлар ўтказиш, миллий удумлар, расм-русумларимизнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Экологик маданиятни шакллантириш мезонлари қўйидагилардан иборат:

- талабанинг экологик билимдонлиги, ижтимоий фаоллиги;
- ОТМларининг маънавий соғломлиги, талабаларнинг ўзини руҳан тетик ва бардам тутиши;
- ватанпарварликнинг турли кўринишлари кундалик турмушда тобора кўпроқ намоён бўлиб борётганлиги;

- талабада экологик билим савиасини оширишга интилишнинг кўчайиши, газета-журнал, вақтли матбуотга талаб ва таклифнинг ортиб бориши;
- гиёхвандлик ва турли заарли одатларнинг ёшлар ўртасида камайиб бориши, бунда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки;
- экологик билимларга интилиш, шу соҳалардаги адабиётларга нисбатан эҳтиёжнинг сақланиши;
- талабаларда табиат қонунларига нисбатан итоаткорликнинг шаклланиши;
- талабалар фаолиятида экологик мұхитнинг шаклланиши.

Дарҳақиқат, инсоният тараққиёти тарихида табиатга нисбатан мәхрли бўлиш ёки аксинча унга зарар етказувчи ҳолатларнинг барчаси ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар ёрдамида тартибга солинган бўлиши керак. Чунки, табиат ва инсон манфаатлари кесишган нуқтада шахснинг тарбияланганлик даражаси ахлоқий етуклиқ ва маданият билан ўлчанган.

Хулоса

Экологик тарбия биринчи навбатда ота-она зиммасидадир, иккинчи навбатда эса мактабгача таълим муассасаларида, сўнгра таълим ва олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Шундай экан, республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир шахс, шу жумладан талабаларда экологик маданиятнинг юқорида таъкидланган функциялари ижтимоий экологик мұаммоларни ўз вақтида самарали бартараф қилишга салмоқли ҳиссасини қўшишлари лозим.

Олий таълим муассасаларида ўқитилаётган ҳар бир ўқув фани ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёни талабаларда экологик маданият функцияларини шакллантиришда ўзига хос ички имкониятларга эга. Хусусан, биология фанларини ўқитиш жараёнида бу имкониятлар бошқа барча фанларга нисбатан кенг эканлиги маълум бўлди.

Ҳозирги кунда табиат ва жамият ўртасидаги экологик мувозанатни сақлаш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу мувозанатни сақлаш яъни экологик вазиятни яхшилаш табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни асраб-авайлаш учун экологик билим, экологик онг ва экологик маданият функциялари мұхим аҳамиятга эга. Шундай экан, экологик билим, экологик маданиятни шакллантиришнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади.

Шаклланган экологик маданият дунё маърифат тараққиёти, жамиятнинг юксалишидаги энг мұхим омилидир. Демак, Ўзбекистон

мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш истиқболлари маънавий меросимиз, маданиятимиз ва тарбиявий жараённинг муҳим ибтидосини фундаментал тарзда ўрганиш, тадқиқ этиш, бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришни тақозо қилмоқда.

Ўйлаймизки, ўсиб келаётган ёш авлодда экологик маданиятни шакллантиришда олий таълим, профессор-ўқитувчининг педагогик маҳорати, тарбиявий ишлар каби муаммоларни илмий тадқиқ қилиш ва шу асосда бугунги кунда миллий педагогика фани назариясини такомиллаштиришдек улкан вазифани ҳал этишга педагог, психолог, файласуф, социолог ва бошқа фанлар олимлари муҳим ҳисса қўшадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. – 299 б.
2. Маҳкамов У. Аҳлоқ-одоб сабоқлари. –Т.: Фан, 1994. –136 б.